2010 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (11.764)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 19-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифига Ашхободда катта тайёргарлик кўрилган. Шаҳар аэропорти, кўчалари икки мамлакат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги қутлов сўзлари билан безатилган.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 октябрь куни Ашхободдаги «Ўғузкент» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг тор доирадаги суҳбатидан бошланди. Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларни ҳар томонлама чуқурлаштириш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган деярли барча масалалар юзасидан позициялар ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топганини таъкидлади.

– Ўзбекистон Туркманистоннинг пухта ўйланган ташқи сиёсат йўлини, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақада савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-коммуникация йўлаклари ва энергетика йўналишларини ривожлантиришга доир холис ёндашувларини, асосли ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди, – деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий муносабатларга тўхталиб, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамай, 2009 йилда икки томонлама савдо айланмаси қарийб 40 фоиз ўсганини, бунда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва кўрилган амалий чоралар, жумладан, Тошкент ва Ашхободда икки мамлакат миллий кўргазмаларининг ўтказилгани муҳим омил бўлганини қайд этди.

– Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида эркин савдо тартибини тўла жорий этиш мамлакатларимизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади, – деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма корхонасининг очилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатимиз Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини таъкидлади. Мазкур қувур табиий газ учун барқарор транзит йўлагини шакллантириб, Марказий Осиё минтақасидан углеводород хомашёси экспортини диверсификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари минтақамиз коммуникация салоҳиятидан фойдаланишда мамлакатларимиз учун очилаётган истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

– Бу ўринда гап Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда, – деди Ислом Каримов. – Бу масалани биз Туркманистон Президенти билан муҳокама қилдик ва мен бу лойиҳа, бу йўлак мамлакатларимиз катта эҳтиёж сезаётган коммуникация йўналишлари, жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши мумкинлигини Туркманистон Президенти тўлиқ маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро ишончли ҳамкор бўлади, деб таъкидламоқчиман. Бу оддий лойиҳа эмас. Ундан мамлакатларимиздан ташқари бошқа кўплаб давлатлар ҳам манфаат кўради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Туркманистон муҳим ўрин тутади. Агар Туркманистон мазкур ишни амалга оширишни бошласа, бошқа мамлакатлар ҳам уни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрига бордилар.

Бу ерда 18 октябрь куни Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган эди. Унда Ўзбекистон ва Туркманистондан уч юздан зиёд санъаткор иштирок этаётгани анжуманнинг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Фестиваль ўтаётган Сапармурод Туркманбоши номидаги сайилбоғ ҳар куни меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда Президентлар халқ амалий санъати буюмлари, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар. Чавандозлар, полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига жаҳондаги энг ноёб ахалтеки зотидан бўлган «Ғайрат» лақабли от совға қилди.

Тошҳовуздаги «Руҳият» саройида дўстлик фестивалининг асосий воқеаси – Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг галаконцерти бўлди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мамлакатларимиз муносабатлари тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман ўзбек ва туркман халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Бугун барчамиз Туркманистоннинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Тошҳовуз шаҳрида ўзбек ва туркман халқларининг маданий ҳаётида катта из қолдирадиган тарихий бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, – деди Ислом Каримов. – Ота-боболаримиздан қолган бир ҳикмат бор: агар қайси бир халқнинг табиати, қалби ва юрагини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатини билиш керак. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг шоир ва бастакорлари, бахшилари ва ижрочилари яратган асарларда шу элнинг қувончи, эзгу интилишлари, орзу-армонлари мужассам бўлади.

Туркманистоннинг миллий мумтоз санъати, жозибадор эстрада қўшиқларини эшитганимда, туркман халқининг тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган бугунги ҳаётини, унинг барча соҳаларда қўяётган дадил қадамларини, туркман ёшларининг азму шижоатини, сулув қизларининг назокатини ёрқин тасаввур қиламан. Ишончим комилки, мана шу ҳашаматли залда ўтирган туркман дўстларимиз ҳам буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини ўқиганда, куй ва қўшиқларимизни тинглаганда элу юртимизнинг кечаги кунини, бугунги фаровон ҳаётини ёрқин тасаввур қиладилар, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

– Неча асрларки, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларида ўзига хос маданият ва цивилизация намояндалари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда, – деди Гурбангули Бердимуҳамедов. – Бу халқларимизга хос меҳр-оқибат, тинчликпарварлик, очиқ кўнгиллилик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бундай фестиваллар ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига янада яқинлаштиради. Бу форум Ўзбекистон ва Туркманистоннинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенгроқ танишиш, ижодий мулоқотларни фаоллаштириш учун қулай имконият бўлди. Зеро, маданият ва санъат намояндалари бир неча кун давомида театр ва концерт залларида ўз маҳоратини намойиш этиш баробарида, кўплаб ижодий суҳбатлар, учрашувлар ўтказдилар. Бу фестиваль икки халқнинг истеъдодли ижодкор ёшлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлади. Чунки фестиваль иштирокчиларининг асосий қисмини ёш авлод вакиллари ташкил қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада юксак босқичга кўтарилганидан ёрқин далолатдир. Ашхободдаги музокаралар ва Тошҳовуздаги дўстлик фестивали мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Ашхобод – Тошҳовуз – Тошкент.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 21 йиллигига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **«ТОШКЕНТ** иссиқлик қуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган тадбирда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди, келгуси режалар белгилаб олинди.

✓ **ТОШКЕНТ** педиатрия-тиббиёт институтида Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Маънавият кўзгуси» мавзусида тилшунос олимлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Ўқувчилар саройида Баркамол авлод йилига бағишлаб рассомлик тўгараги аъзолари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Суғурта бозорининг жорий ҳолати ва истиқболига бағишланган тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, эксперт ва мутахассислар қатнашди.**

**• Урганч шаҳрида «Янги авлод» республика болалар ижодиёт фестивалининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрикда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 450 нафардан ортиқ ўғил-қиз қатнашди.**

**• Германиянинг «GP Papenburg» компанияси Ўзбекистон Республикаси йўл жамғармаси билан «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнау» автомобиль йўлини тубдан қайта таъмирлаш бўйича шартнома имзолади. Унга мувофиқ германиялик мутахассислар 50 километрлик икки чизиқлик асфальт йўлни 2010 йилнинг охирига қадар замонавий талабларга тўла жавоб берадиган тўрт чизиқли цемент-бетон автотрасса шаклида қайта қуришади.**

**• Қаршидаги вилоят мусиқали драма театрида шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан Бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 64 та корхона, ташкилот ва муассаса 940 та иш ўрни ва маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашди. Шу куни 244 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, 24 нафар ҳунарманд касаначилик бўйича иш бошлади.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг бу борадаги 2009 йил 1 июлдаги қарори ижросига бағишланган амалий семинар ўтказди. Унда малакали тиббиёт ходимлари, олимлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.**

### ЖАҲОНДА

**• Афғонистон маъмурларининг Толибон ҳаракати раҳбарияти билан ўтказиладиган музокараларида АҚШ бевосита иштирок этмаслигини билдирди.**

**• Касаба уюшмаларининг кескин норозилигига сабаб бўлаётган ва кенг кўламли намойишлар уюштирилаётган пенсия ислоҳоти тўғрисидаги қонун лойиҳаси Франция сенатида овозга қўйиладиган бўлди.**

**• АҚШ Саудия Арабистони билан қурол-яроғлар экспорти бўйича ўз тарихида энг йирик миқдордаги шартномани имзолади.**

**• Кеча Доғистоннинг Қизил-юрт ҳудудида амалга оширилган махсус операция чоғида иккита жангари йўқ қилинди.**

**• Россия Федерациясининг «Халқаро соат ҳисоби тизимига ўтиш тўғрисида»-ги янги Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун мамлакат давлат думаси ихтиёрига топширилди. Унда 1981 йилдан буён амалда қўлланиб келинаётган ёзги ва қишки вақтга ўтиш тартибини бекор қилиш, аниқроғи 1930 йилдан 1981 йилгача амалда қўлланган вақт тартибига ўтиш назарда тутилган.**

**• Пенза областидаги Москва — Челябинск федерал трассасида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олти киши ҳаётдан кўз юмди.**

**• Кеча Филиппинга кучли бўрон ҳуруж қилиши натижасида ўн киши ҳалок бўлди, ўн икки киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**• Аргентинада қуруқликда ўсган энг қадимий ўсимлик қолдиқлари топилди. Анд тоғининг шимоли-ғарбида олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланган ўсимлик навининг тахминан 473-471 миллион ёшда эканлиги айтилмоқда.**

**Шубҳасиз, бола ҳуқуқлари кафолати қонун билан таъминланади. Кафолатлар ҳимоясида эса ота-оналар, бола тарбиясига масъул бўлган шахслар туради.**

Қонун ва ижро

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси давлат даражасида кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида амалга оширилади. Бу борада қонуний-ҳуқуқий негиз шакллантирилган бўлиб, алоҳида тузилмалар ҳам белгиланган. Бироқ бугунги давр тарбия жараёнини кучайтириш лозимлигини тақозо этмоқда. Орттирилган тажриба шуни кўрсатадики, ёш авлод баркамоллигига йўналтирилган саъй-ҳаракатлар янада фаоллаштирилиши, бу борада амалдаги қонунчилик такомиллаштирилиб, қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муҳимдир.

Жорий йил 30 сентябрдан кучга кирган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунни мажмуавий қонун ҳужжати деса бўлади. Унда кўплаб томонларнинг болалар тарбиясига доир ваколатлари ва мажбуриятлари жамланган ҳолда белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинар янги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланиб, унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Мавжуда Ражабова «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишининг долзарблигига урғу берар экан, аввалабор ундаги атамалар мазмунига эътибор қаратиб ўтди. Назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш демакдир. Қонун тили билан айтганда, профилактика ишлари вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимидир.

Қайд этилганидек, қонун бевосита вояга етмаганлар тўғрисида эмас. Умуммажбурий хусусиятга эга бўлган бу қонунда бола тарбиясига дахлдор шахслар, масъул субъектларнинг мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

Айтиш жоизки, ушбу йўналишда шу кунгача тизимли ишлар амалга ошириб келинган. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари амалда ўз ифодасини топмоқда. Масаланинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда бу борадаги ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия тузилган бўлиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари таркибида ҳам ҳудудий тузилмалар фаолият юритмоқда. Мувофиқлаштирувчи куч сифатида ушбу комиссия томонидан талай ишлар амалга оширилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вояга етмаганлар таълим-тарбиясига оид ушбу йўналишдаги ҳамма ишлар айнан мазкур комиссия орқали синтез қилиб борилади. Бугунги талаб эса, таъкидланганидек, бу кучни қонунчилик ҳаракатига айлантириш, аниқроқ қилиб айтганда, комиссия бирлаштирган кучни қонун билан тасдиқлаб олишдир.

Бу дегани вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолияти таълим-тарбия жараёнини кучайтириш мақсадида қилинаётган ишларни бир жойга тўплаб, таҳлил қилишда асосий нуқта бўлиб хизмат қилди. Пировардида янги қонун вужудга келди. Албатта, бу борада халқаро нормалар, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам чуқур ўрганилди.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги» Қонунда бола тарбиясига масъулларнинг мажбуриятлари мувофиқлаштирилган ҳолда белгилаб қўйилган. Англаш лозимки, қонун фақат ота-она, ота-она ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли эмас. Назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар қаторига вояга етмаганлар комиссияси, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари киради.




Козим Ўлмасов олган суратлар

Қонунда ҳар бир орган ваколатлари алоҳида бандлар билан тасдиқланган. Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларига оид модда мазмунига эътибор қаратиладиган бўлса, бу ерда гап фақат мактаб, лицей ёки коллеж, яъни педагогик жамоа масъулияти ҳақида эмас, балки бевосита юқори органнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар ҳам алоҳида белгиланган. Таълимни бошқариш органлари вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Таълим бошқаруви органлари таркибига кирувчи васийлик ва ҳомийлик тузилмалари фаолияти ҳам алоҳида моддада ўз аксини топган. Уларнинг ваколатлари билан бир қаторда, хусусан, васийларни белгилашда вояга етмаганларнинг қонун билан кафолатланган манфаатлари таъминланишида масъулияти кучайтирилди. Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, жойлаштириш шаклларини танлайди, уларни жойлаштириш, тарбиялаш ва таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади. Мухтасар қилиб айтганда, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳаёти, саломатлиги, тарбияси учун масъулияти оширилди.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маданият ва спорт, туризм соҳасидаги ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг иштироки ҳам қонунда алоҳида моддада кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 19-моддаси бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вазифаларини белгилайди.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақл бор. Бу ҳикмат мазмунига бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ёндошадиган бўлсак, бола тарбиясига ҳақиқатан ҳам нафақат оила-мактаб-маҳалла доирасида, балки мажмуавий – соғлиқни сақлаш, маданият, ҳуқуқ-тартибот – барча масъул тузилмаларни ишга солган ҳолда ёндошув орқали унга соғлом турмуш шароитини яратиш мумкин. Вояга етмаган энди шаклланиб келаётган шахс бўлгани боис атрофдагилар кўмагига муҳтож экан, уни билмасдан содир этиши мумкин бўлган ҳаракатлардан асраб қолиш катталарнинг ҳам вазифаси, ҳам бурчидир.

Албатта, қонунда боланинг соғлом ҳаёт кечиришига зид бўлган шароитда ўсишига сабабчи бўлаётган ота-онанинг масъулияти инобатга олинган. Бу борада васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш вазифаси белгиланган. Ўз навбатида, бундай оилаларни аниқлашда маҳалла ўз зиммасига мажбурият олган бўлиб, қонунга кўра фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали дастлабки профилактика ишлари амалга оширилади, зарурат туғилганда, тегишли органларга ахборот бериш ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хулоса шуки, янги қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда, умуман ёш авлодда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда универсал қонун сифатида қабул қилинмоқда. Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев янги қонуннинг айнан шу жиҳатларига эътибор қаратиб ўтди. Бу борада вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари зиммасидаги вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб, болалар ҳуқуқларини таъминлаш борасида мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш билан бир қаторда, ягона тизим изчиллигини таъминлашда баъзи бўғинлар фаолияти самарасини ошириш, таълим-тарбия жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни вақтида аниқлаш ва бартараф этиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Янги қонунни амалиётга татбиқ этиш мақсадида шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ишлаб чиқилган махсус чора-тадбирлар дастурида ҳам айнан шу тавсиялар ўз ифодасини топган деса бўлади. Дастурнинг ҳар бир банди манзилли бўлиб, кенг жамоатчиликни ёш авлод таълим-тарбиясига оид янги қонунчилик меъёрлари ҳақида хабардор этиш мақсадида туманлар миқёсида, таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда тегишли тушунтириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Янги қонун қабул қилинганда, албатта, нима ҳақда деган савол туғилади. Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун аввалабор ҳар бир инсонга қонун олдида итоаткорлигини эслатган ҳолда зиммасидаги вазифаларни бажаришда масъулиятини янада ошириш лозимлиги, қонун ҳар доим устуворлиги ҳақидадир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

Иқтисодиёт

## ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА

**Халқаро сифат сертификатига эга корхоналар ички бозорни рақобатбардош маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш баробарида экспорт ҳажмини ҳам ошириб бормоқда.**

«2-темир-бетон маҳсулотлари заводи» қўшма корхонаси замон талабларига жавоб берадиган технологияларни қўллаш туфайли ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришмоқда. Кейинги йилларда корхонада модернизация ишлари амалга оширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари кескин ошди, экспорт ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

250 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мосланувчан замонавий технологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Темир-бетон маҳсулотларнинг энергияни тежаб сарфловчи технологиялар мадади да харидоргирлиги таъминланмоқда.

Маҳсулот сифат кўрсаткичлари халқаро сертификатга эга махсус лабораторияда доимий равишда текшириб борилади. Эътиборли томони, корхона ISO 9001:2008 ва ISO 1401:2004 халқаро стандарт сертификатларига эга. Бу са изланишлар, самарали саъй-ҳаракатлардан яққол далолатдир. Кўрсаткичлар юқорилаб бориши ҳам шу боисдандир. Ҳозирда корхонада ишлаб чиқариш қуввати йилига ўртача 20 минг кубометрни ташкил қилади. Темир-бетон маҳсулотлари турлари бир неча бараварга ошди, экспорт ҳажми ҳам кўпайиб бормоқда.

## СИФАТ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**«Steklo plus» масъулияти чекланган жамиятида ўтган йилдан буён ички бозорда анчайин харидоргир бўлиб қолган қурилишда ҳамда мебелсозликда фойдаланиладиган бадиий безакли ойна маҳсулотлари тайёрланади.**

Маҳсулот ўз харидорини топишида дизайнчиларнинг касб-маҳоратига тан бериш керак. Ранг-баранг нақшлар, турфа гуллар билан безалган ойна энг нозиктаъб мижозни ҳам мафтун қилади.

– Хом ашё ўзимизники, Қувасойдан келтирилади, — дейди корхона директори Иброҳим Мирсаидов. — Замонавий технологиялар мададида унга ишлов берилади. Айниқса, уй-жойлар интерьерида ўз ўрнида ишлатилган ойна санъат асаридек жозиба бахш этиши ҳамманинг кайфиятини кўтариши шубҳасиз.

Корхонада меҳнат қилаётган 10 нафар ишчи автоматлашган технологик линия кўмагида қалб-қўри билан ойналарга ишлов беради. Улар орасида эшик-ромларга ўрнатилган безакли ойналар мижозларни айниқса, мамнун қилмоқда.

## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қулай инвестиция муҳити яратилгани, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда.**

2004 йилдан фаолият кўрсатаётган «Texnoinvest-ST» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси бугунги кунда кўп тармоқли мажмуалардан ҳисобланади. «Texnoinvest-ST» Германия компаниясининг шўъба ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, юртимиз бозорида ойнани қайта ишлашда етакчилар қаторидан ўрин эгаллаган.

— Илғор технологиялар мададига таяниб ишлаймиз, — дейди жамият директори Андрей Капустин. — Корхонага машҳур компанияларнинг замонавий технологик линиялари ўрнатилган бўлиб, малакали мутахассисларимиз Европа андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда кенг доирадаги буюртмачиларнинг эҳтиёжи инобатга олинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, барча буюртмалар қисқа фурсатларда уддаланади. Корхона турли йўналишда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган энергияни тежайдиган ойна қатламлари, меъморчиликка мўлжалланган текис ва эгилувчан ламинатли ойналар алоҳида ажралиб туради.

Ойнага безак бериш, турли технологияларни қўллаган ҳолда бадиий витражлар тайёрлаш, металлга ишлов бериш, мебель ишлаб чиқариш, пластик ром ва алюмин йиғмалар тайёрлашга ҳам буюртмалар ортиб бормоқда. Бу ишларда дизайнчиларнинг ҳам салмоқли улушини эътироф этиш лозим.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**






Танловлар

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

**Собир Раҳимов туманида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови босқичи бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар доирасида ўтказилган танловларда совриндор бўлган 35 нафар қизлар иштирок этди.**

Танловнинг туман босқичида қизлар бешта йўналиш бўйича бор маҳоратларини ва зукколигини кўрсатишди. Маданият, спорт, адабиёт ва санъат бобидаги билим ва иқтидорини улар ижод намуналарида, кўргазмали тарзда ҳам намойиш қилишди.

Танлов сўнгида ғолибларга туман хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари топширилди, барча танлов иштирокчилари ҳомий ташкилотлар, «Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман таянч маскани томонидан совғалар билан тақдирланди.

**Камола АҲМЕДОВА**

**Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар**

**Пойтахтимизда фаолият юритаётган юздан зиёд ўрта махсус ўқув юртлари ичида Чилонзор туманида жойлашган Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи алоҳида ажралиб туради.**

## ЮКСАК ТУЙҒУЛАР МАНБАИ

Бугунги кунда коллежда 1500 нафар ўқувчи турли йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда. «Тилшунослик» кафедраси томонидан ҳар йили октябрь ойида «тил ойлиги»ни ўтказиш анъанага айланган. Айни кунларда мавзу доирасида «очиқ дарслар», «Дунё бўйлаб» интеллектуал ўйинлари, конференциялар ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида ўтказилган «Алишер Навоий — ўзбек тилининг асосчиси» мавзусидаги очиқ дарс ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. «21 октябрь — давлат тили 21 ёшда» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Эътиборли томони, рус тилида таҳсил олаётган ўқувчилар бу байрамга кенг жалб этилди.

— Ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлари бор, — деди коллеж директори Абдурасул Зокиров. — Бир пайтлар оддий сўзлашув тили бўлган она тилимиз 21 йилдан бери ҳурматда, иззатда. Она тили — эзгу фазилатлар, юксак туйғулар манбаи. У инсон камолотида бетакрор ўрин тутади. Оналаримиз шу тилда алла айтган. Шу тил воситасида онгимизга меҳр-муҳаббат сингдирилади. Дунёқарашимиз ҳам шу тил асосида кенгаяди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан ўзбек тилини мадҳ этувчи шеърлар, саҳна кўринишлари ижро этилди.

**Азиза ИБАДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

